



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “19” mart

Қ-161 -son

Termiz sh.

Бойсун тумани “Сайроб” массиви “Сайроб” участкасидан “TERMIZ ТЕКС” МЧЖга “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 21 декабрдаги 05-02/814-сон йиғилиш баёни ва Бойсун туман ҳокимининг 2020 йил 29 октябрдаги 01-05/262-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Бойсун тумани “Сайроб” массиви “Сайроб” участкасидан “TERMIZ ТЕКС” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 780, 779қ, 782а, 784, 785, 786, 787, 788, 789, 790, 773қ, 796, 806, 795, 810, 793, 794, 691, 802, 791 792-дала контурларидаги жами 209,6 гектар, шундан 138,0 гектар лалми, 68,7 гектар яйлов ва 2,9 гектар бошқа ер майдонларида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш” учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ердан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов